

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ**

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБда  
2016 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича  
ХУЛОСА**

**Тошкент - 2017**

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази баҳолаш хизматларини кўрсатиш учун 2017 йил 01 майда тузилган 345-У-сонли шартномага мувофиқ, қуйидаги намуналар таркибида 2016 йил учун “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ корпоратив бошқарув тизими баҳоланишини амалга оширди:

Баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Корпоратив бошқарув кодекси ва ички корпоратив ҳужжатлари асосида амалга оширилди.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобатчилик қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида амалга оширилди.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБда Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилиш бўйича амалга оширилган баҳолаш натижалари қуйидагилардан иборат:

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ бўйича корпоратив бошқарув тизими баҳоланишининг йиғма жадвали**

т/р	Йўналиши	Саволлар сони	Эҳтимолий баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилишга тайёргарлик тадбирларини баҳолаш	13	-135	135	135
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилинишини баҳолаш	37	-360	360	280
3	АЖ ташкилий тузилиши мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	20
4	Танлов асосида саралаб олишни баҳолаш	5	-45	45	-5
5	Халқаро молиявий ҳужжатлар стандартлари (ХМҲС) ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ эълон қилишга ўтишни баҳолаш	3	-50	50	50
6	Замонавий бошқарув тизимлари (ISO, ERP, НИОКР ва ҳ.к.) жорий қилинишини баҳолаш	5	-55	55	-35
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	215
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	-50
9	Бошқа йўналишларни баҳолаш	25	-205	55	55
<b>Жами:</b>		<b>100</b>	<b>-1200</b>	<b>1200</b>	<b>665</b>

Баҳолаш тақдим қилинган ички корпоратив ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида ўтказилди, “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ бўйича корпоратив бошқарув тизимини ўрганиш натижалари юқори баҳога (**665** балл ёки фоиз шкаласи бўйича **55%**) мувофиқдир.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва саволнома натижалари илова қилинади.

**Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази**

**директори ўринбосари**

**Н.Турсунов**

**04.05.2017 й.**

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБда  
корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича  
ТАВСИЯЛАР**

т/р	“ASIA ALLIANCE BANK” АТБда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тавсия этиладиган таклифлар
1.	Белгиланган тартибда Кузатув кенгаши аъзолари таркибига мустақил аъзони қўшиш.
2.	Аудиторлик ташкилоти вакилининг Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида иштирокини таъминлаш.
3.	Акциядорлар мурожаатлари ёки йиғилишдаги иштирокларини соддалаштириш мақсадида Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказиладиган муайян аниқ санани қайд этиш бўйича чоралар кўриш.
4.	Ижроия органи раҳбари ва аъзоларини танлов асосида саралаб олишни ташкиллаштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек ижроия органи раҳбари ва аъзоларини танлов асосида саралаб олиш тўғрисида эълон матнини компания сайтида ҳамда бошқа электрон ва босма нашрларда чоп этиш.
5.	Юқори раҳбариятнинг кўрсатиладиган хизматлар сифат менежменти тизими фаолиятини таъминлаш учун ваколатли (ижроия органи раҳбари ўринбосаридан паст бўлмаган даражада) махсус вакилини тайинлаш.
6.	Компания сайтида асосий ва техник таҳлил натижаларини, мутахассислар, экспертлар ва консультантларнинг шарҳлари ва прогнозларини жойлаштириш.

Корпоратив бошқарув  
илмий-таълим маркази  
вакиллари

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Бошқарув Раиси

О.К. Иминов \_\_\_\_\_

И.А. Абдукаҳоров \_\_\_\_\_

Э.А. Хошимов \_\_\_\_\_